

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

УСМАНОВ Н., ЗУЛФИҚОРОВ И.

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ
ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 375.5:372.851

КБК 74.265.26

У47

У47 Усманов Н., Зулфиқоров И. Бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантириш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 36 бет.

ISBN 978–9943–10–748–9

Ушбу қўлланмада бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш воситасида улар онгида миллий ғояни шакллантиришнинг мазмуни, турли хил шакллари ва методлари таҳлил қилинган. Шунингдек, унинг ўзига хос методикаси таҳлил қилиб берилган.

Қўлланма талабалар, тадқиқотчилар, бошланғич синф ўқитувчилари, миллий ғоя тарғиботчилари ва методика муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Х.А.Тўрақулов – тех. фан.доктори, профессор

Тақризчилар: У.И.Маҳкамов – пед.фан. доктори, профессор;
Н.Кушвақтов – пед.фан.номзоди, доцент

Қўлланма А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2012 йил 31 майдаги 8-сонли қарори билан нашр қилинди.

ISBN 978–9943–10–748–9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси таълим соҳасида нафақат янги имкониятларни очди, балки ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда юқори сифатга эришишни таъминлашни тақозо этмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда бошланғич таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг ривожини таъминловчи ёш авлодни интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахслар қилиб тарбиялашда замонавий таълим, ахборот ва коммуникацион технологияларга таяниш заруриятини келтириб чиқаради.

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, - бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғирилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, миллий ғоямиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.¹

Шу маънода мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни муносиб вояга етказиш бошланғич таълимда ўқитиладиган ҳар бир фан, синф ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий тадбирларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни миллий ғоя тушунчалари руҳида тарбиялаш ўта муҳим ва ечимни кутаётган долзарб масаладир. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов ёш авлодни мустақил фикрли, етук дунёқарашли, қатъий позицияли ва юксак ахлоқли қилиб вояга етказиш масаласини кун тартибига

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч . –Т.: «Маънавият», 2008. –б. 4.

кўйган.² Бунинг учун ишни бошланғич синфлардан бошлаш ва унда миллий ғояга асосланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда аҳолимизнинг 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади, унинг салмоқли қисми 6-10 ёшли бўлган бошланғич синф ўқувчиларидан иборат. Демак, мазкур авлод ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан муносиб вояга етказилиши керак. Бу ишда миллий ғоя асосий таянч вазифасини бажаради. Чунки миллий ғоямиз онги энди шаклланиб келаётган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда аجدодларга муносиб ворис бўлиш, ўзликни англаш, эзгу орзу-интилиш ва юксак умид мақсадларга интилиш туйғусини уйғотади.³ Шу сабабли бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантириш энг муқаддас вазифалардан бири бўлиб турибди.

Бу вазифани амалга оширишда миллий ғоя ва унинг мазмун-моҳиятини кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қалби ва онгига сингдиришга қаратилган турли хил таълимий ва тарбиявий воситалардан фойдаланиш, уларда бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг асосий мақсад-мудоасини, пайдо бўлиш сабабларини ва улардан келиб чиқадиган оқибатларнинг муайян бир кишига, оилага, давлатга, жамиятга, қолаверса, бутун бир дунёга таъсирини англай билишга эришиш, уларнинг педагогик, таълимий ва тарбиявий аҳамиятини сингдириш, буюк аجدодларимизнинг бунёдкорлик ишлари ва уларнинг бугунги баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини методик жиҳатдан асослаш муҳимдир.

Ёш авлодни миллий ғоя воситасида тарбиялаш масаласига доир педагог олимларимиз томонидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айни пайтда, бошланғич синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантириш методикаси муаммоси махсус ва атрофлича тадқиқ этилган эмас. Биз бу ўринда ана шу масаланинг энг муҳим жиҳатларига диққатингизни тортамыз. Мақсадимиз – мазкур масала бўйича фикр –мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишдир.

² Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад. // «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 18 феврал сони.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. –б. 71.

I-боб. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1.1. “Миллий ғоя” тушунчаси ва унинг мазмуни

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий-мафкуравий ҳаётда ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди.

Халқимиз ўз олдига қўйган мақсад-мудоаларига эришиш, жамият ривожига ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, турли хил ёт ва бегона ғоялардан ёшларимизни ҳимоя қилиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш зарурият ҳисобланади.

Миллий ғоя ўзида жамият ривожининг ғоявий асосларини ифодаладиган таълимот бўлиб, мустақилликни мустаҳкамлашда устувор аҳамият касб этувчи йўналишлар, миллий анъана ва қадриятлар негизида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар онгига эзгу ғояларни сингдириш, уларда мустаҳкам эътиқодни шакллантириш ҳамда келажакка ишонч уйғотишга хизмат қилади.

Миллий ғоя – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган, эл-юрт бахт-саодати йўлида хизмат қиладиган фикрлар мажмуидир. У миллатнинг ўтмиши ва бугуни ва келажакни ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов миллий ғоя тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”⁴.

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч . –Т.: «Маънавият», 2008. –б. 71.

Миллий ғоянинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўқувчилар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини, умуминсоний қадриятларни сингдиришда аҳамияти катта.

Миллий ғоя жамият ҳаётида етакчи маънавий-маърифий омилга айланиши учун инсон онги ва тафаккурига сингиб, ишонч ва эътиқодга айланиши керак. “Ҳар қандай фаннинг - деб ёзади профессор Қ. Назаров,-муайян билимлар тизими сифатидаги ўзига хос мавзулар тушунчалари, қонун ва категориялари бўлади. Уларнинг барчаси ўрганадиган соҳа, яъни предметнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Биз ўрганаётган “ғоя” ва “мафкура” тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараён, миллий ғоянинг мазмун-моҳияти тушунчалари, шаклланиш қонуниятлари, намоён бўлиш хусусиятлари, уни халқимиз қалбига сингдириш йўллари ва усуллари ушбу фаннинг моҳиятини белгилайди. Унинг тушунча ва категориялари бир бутун, яхлит тизим шаклида намоён бўлади”⁵.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да миллий ғояга қуйидагича таъриф берилган: “миллий ғоя – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуаси, у миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради”⁶. Демак, миллий ғоя шахс ҳаётига мазмун бахш этади. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчилари онгига миллий ғояни шакллантириш зарурият ҳисобланади.

Миллий ғоянинг фан сифатида эътироф этилиши унинг ўзига хос предмети объекти, мақсад ва вазифалари мавжудлигини англатади. Бунда миллий ғояни ўрганиш ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг муқаддас бурчи, у халқимиз манфаатларини ўзида мужассам этади, шу билан бирга бу Ватан манфаатлари билан уйғун бўлмоғи зарур. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлиги билан боғлиқ, фуқаролари бадавлат мамлакатгина моддий ва тўқис бўлиши, чунки миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат бўлиб, бунга эришиш учун ўзбек халқи, юрт фуқаролари ҳамжиҳат ва бирдамликда меҳнат қилмоғи талаб этиши, бу вазифа миллий ғоянинг моҳияти-мағзини ташкил этади.

⁵ Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқ. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: «Ғ.Ғулом номидаги НМИУ», 2007. –б. 206.

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси .5-жилд.-Т.:«Ўздавнашр», 2003. –б. 666.

Миллий ғоянинг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро, хусусан, бошланғич синф ўқувчилари онгига миллий ғояни сингдиришнинг маънавий асослари, шунингдек, унинг мазмун-моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар зухур этади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий ғоямизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

- юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди;

- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олийжаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

- миллати ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватаннинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади;

- жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий ғоянинг фикрлар ранг-баранглиги, эъти-қод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий ғоянинг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар даҳлсизлигини таъминлашга ёрдам бериш;



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/628> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/628> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/628>